

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017 Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

МАКСУДОВА ЛАЙЛО МАСХУТОВНА

**КЎЗ АЪЗОСИНИНГ КУЙИШИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ
БОРИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ
(КЛИНИК-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТ)**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Максудова Лайло Масхутовна

Кўз аъзосининг куйиши бўлган беморларни олиб боришга замонавий ёндашув (клиник-экспериментал тадқиқот)..... 3

Максудова Лайло Масхутовна

Современные подходы к ведению больных с ожогами глаз (клинико-экспериментальное исследование)..... 23

Maksudova Laylo Mashutovna

Contemporary approaches to the management of patients with ocular burns (clinical and experimental research)..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 44
List of published works

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017 Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

МАКСУДОВА ЛАЙЛО МАСХУТОВНА

**КЎЗ АЪЗОСИНИНГ КУЙИШИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ
БОРИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ
(КЛИНИК-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТ)**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib43 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилов Халиджан Махамаджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Young Kwang Chu
тиббиёт фанлари доктори

Юсупов Амин Азизович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Вена тиббиёт университети (Австрия)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017 Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, факс: (+99871) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясини Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, факс: (+99871) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И. Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ЎзР ва РФ ФА академиги, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Р.Д. Суннатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ф.А. Бахритдинова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Кўрув аъзосининг куйиши бўлган беморларни даволаш ва профилактика сифатини ошириш бугунги кунда жаҳонда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра куйишлар кўрув аъзосининг жиддий жароҳатларидан ҳисобланади ва кўз жароҳатларининг ичида 6,1 дан 38,4% гача қисмини ташкил этади. Турли воситалардан кимёвий куйишлар 25 дан 80% гача ташкил қилади ва қайталанувчи эрозиялар, яралар ва перфорациялар, иридоциклитлар ривожланиши, шох парда кўпол чандиғи ривожланиши туфайли 40% дан ортиқ ҳолларда ногиронликка ва меҳнат қобилиятининг йўқотилишига олиб келади»¹. Кўз репарацияси жараёнлари характери илмий тадқиқотлар натижасида аниқлаш билан кўз куйишларида патогенез масалаларини чуқур изланиш ва даволашни оптималлаштириш замонавий офтальмологиянинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон миқёсида замонавий тиббиётнинг, хусусан, офтальмологиянинг ривожланиши кўрсатилаётган ихтисослаштирилган ёрдам сифатини яхшилаш билан боғлиқ. Морфологик кўринишлар ва тўқима антигенларига нисбатан антигенбоғловчи лимфоцитлар кўрсаткичлари билан таққослаш асосида кўз олдинги кесими турли қисмлари деструкцияси даражасига қараб кимёвий куйишларда кўзнинг зарарланиш даражасини баҳолаш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда кимёвий куйишда кўз олдинги кесими зарарланиш характери ва репарация жараёнларининг морфофункционал хусусиятларини ўрганиш масалалари энг долзарб бўлиб, жумладан кўз куйиш жароҳати билан беморларда касаллик оқибатларини прогнозлаш мезонларини ва уларни олиб бориш тактикасини ишлаб чиқиш масалалари ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва диапазонини кенгайтириш борасида мақсадли чоралар амалга оширилди. Ўтказилган тадбирлар натижасида, жумладан сифатли, юқори технологик офтальмологик ёрдам кўрсатишда ҳам ижобий натижаларга эришилган. Таъкидлаш керакки соғлиқни сақлаш тизимида мақсадли тадбирлар ўтказилишига қарамай, бугунги кунга келиб, жумладан офтальмологияда ҳам ўз ечимини кутаётган қатор вазифалар мавжуд. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «пензионерлар, ногиронлар, ёлғиз қариялар ва аҳолининг бошқа заиф гуруҳларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш»² борасида вазифалар белгиланган. Шунга мувофиқ

¹ Westekemper H., Figueiredo F.C., Siah W.F., Wagner N., et al. Clinical outcomes of amniotic membrane transplantation in the management of acute ocular chemical injury/Br J Ophthalmol 2017;101:2 103-107

² 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

равишда, жумладан кўрув аъзоси жароҳатланиш характери ва тўқималар репарацияси жараёнини чуқурлаштириш ушбу беморлар гуруҳини диагностикаси ва даволашга ёндашувларни такомиллаштириш илмий ишнинг долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985 сон «Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071 сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқотлари республика фан ва технологияларининг ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. «Кўзнинг куйиш касаллиги энг оғир жароҳатлар турига киради, чунки альтерациянинг оғирлигига қараб, ҳимоя аппарати, фиброз қобик ва кўрув аъзоси олд кесими қон томир тўри архитектурасининг дарҳол деструкцияга учраши кузатилади» (Ilhan A.¹, Умарова Л.Ф.²). Кўз куйиш касаллиги медикаментоз давоси вариантлари дунё тажрибасининг таҳлили шуни кўрсатдики, «бугунги кунда кўз куйишлари ҳар ҳил турларини даволаш усуллари ишлаб чиқилган, лекин этиологиясидан қатъий назар патологик жараённинг умумий томонлари ёрдам кўрсатишнинг асосий принципларини аниқлаш имконини беради» (Sati A.³). Singh P.⁴ «қўлланилаётган ёш ўрнини босувчи воситаларда консервантлар бўлмаслиги ва суртмаларнинг қўлланилиши куйишдан кейинги деэпителизациянинг турғун кўринишларини яхшилаши, қайталанувчи эрозиялар пайдо бўлиш ҳавфини камайтириши ва кўриш реабилитациясини яхшилаши»ни ўзининг тадқиқотларида исботлади.

Mittal V.⁵ фикрига кўра «кўз куйиш жароҳатини эрта фаол хирургик даволаш тажрибаси ўзининг радикалиги сабабли ўзини тўлиқлигича оқлади». «Кўз куйиш касаллигини хирургик даволаш некротик ўчоқларни тозалашдан бошланади ва кўз пластик хирургияси турли коррекцияловчи

¹ Ilhan A, Tas A, Yolcu U, Erdem U, Altun S. Late-onset peripheral ulcerative sclerokeratitis associated with alkali chemical burn. /Am J Ophthalmol. 2015 Feb;159(2):407-8.

² Умарова Л.Ф. Сравнительная морфологическая характеристика различных методов лечения щелочного ожога роговицы (экспериментальное исследование)/ Автореф...Дисс...канд.мед.наук. - Ташкент, 2005.- 18 с.

³ Sati A., Basu S., Sangwan V.S., Vemuganti G.K. et al. Correlation between the histological features of corneal surface pannus following ocular surface burns and the final outcome of cultivated limbal epithelial transplantation /Br J Ophthalmol 2015;99:4 477-481

⁴ Singh P., Tyagi M., Kumar Y., Gupta K.K., Sharma P.D. Ocular chemical injuries and their management. Oman J Ophthalmol. 2013 May;6 (2):83-6.

⁵ Mittal V., Jain R., Mittal R., Vashist U., et al. Successful management of severe unilateral chemical burns in children using simple limbal epithelial transplantation (SLET) // Br J Ophthalmol 2016;100:8 1102-1108

усулларининг қўлланилиши билан давом эттирилади» (Zeng P.¹). Шунга қарамай, «куйган тўқималар, асосан, шох парданинг ҳаётга лаёқатини аниқлашнинг объектив усулларининг йўқлиги эрта даврда фаол хирургик тактикадан воз кечишнинг асосий сабаби бўлиб ҳисобланади» (Ke Y., Wu Y.²). Макаров П.В.³, тадқиқотларида кўрсатилишича, «қовоқлар коррекцияси, иккиламчи глаукомани бартараф этиш, ўзак хужайраларнинг лимбал трансплантацияси, шунингдек, кератопластикани ўз ичига олган кечки хирургик аралашувлар кўз юзасининг нормал анатомияси ва кўрув фаолиятини тиклашга қаратилган».

Ўтказилган адабиётлар таҳлили ҳозирги вақтда кўз куйишларида даволаш-диагностик тактика замонавий офтальмологиянинг долзарб ва охиригача ҳал қилинмаган муаммоларидан бирига мансублигини тасдиқлайди. Кўз куйиш касаллиги патогенези тўғрисидаги замонавий тасаввур кўп омилли жараённинг мураккаблигидан далолат беради, персоналлаштирилган ёндашув билан патогенетик асосланган комплекс даво тактикаси жиҳатидан кўз куйиши прогнози ва кечиш оғирлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш мақсадида унинг компонентларини эҳтимол бўлган предикторлар ва номзод биомаркерлар сифатида кўриб чиқиш лозим.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ №02090009 «Умумий жаррохлик ва тезкор ёрдам кўрсатишда янги технологиялар» мавзусидаги илмий ишлар режаси асосида бажарилган (Давлат қайд рақами 02090009, 2012-2014 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади кўрув аъзосининг куйиши бўлган беморларни ташҳислаш, оқибатларни прогнозлаш ва даволаш тактикасига ёндашувларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

клиник-анамнестик омилларга боғлиқ равишда кўрув аъзолари куйишларининг структурасида кўз кимёвий куйишлари улушини аниқлаш;
кимёвий куйишда зарарланиш характери ва кўз олд кесими репарация жараёнларининг морфофункционал хусусиятларини экспериментда ўрганиш;
гавҳар, оқсил парда, шох парда ва кўзнинг томирли пардаси тўқима антигенларига (ТА) қарши антигенбоғловчи лимфоцитларнинг (АБЛ) кўрсаткичларини экспериментда аниқлаш ва куйиш жароҳати оғирлик даражаси ва репаратив жараёнлар динамикаси верификациясида уларнинг аҳамиятини баҳолаш;

¹Zeng P., Pi R.-B., Li P., Chen R.-B.et. al. Fasudil hydrochloride, a potent ROCK inhibitor, inhibits corneal neovascularization after alkali burns in mice. *Mol Vis.* 2015; 21: 688–698.

²Ke Y., Wu Y., Cui X., Liu X., et. al. Polysaccharide hydrogel combined with mesenchymal stem cells promotes the healing of corneal alkali burn in rats. *PLoS One.* 2015; 10(3): e0119725.

³Макаров П.В. Осложнения тяжелой ожоговой травмы глаз: патогенез, анализ причин, профилактика и возможные пути оптимизации результатов лечения/ Дис. ... д-ра мед.наук. - М., 2003. - 335 с.

кўз куйиш жароҳати билан беморларда оқибатини прогнозлаш ва олиб бориш тактикасини танлаш мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика клиник офтальмологик касалхонасида даволанган кўрув аъзосининг кимёвий куйиши билан 103 нафар (141 та кўз) беморлар, шунингдек, 36 нафар соғлом шахслар ва тажриба ҳайвонлари (100 та «Вистар» насабли оқ каламушлар) олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб кўрув аъзосининг кимёвий куйганига 3, 5, 7, 12, 30 кун бўлган беморларга дифференциаллашган даволаш-профилактик тактикани қўллаш, кузатиш натижалари, шунингдек, тажриба ҳайвонларининг тўқима ва қонини экспериментал-морфологик ўрганиш натижалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини амалга оширишда клиник, инструментал, экспериментал, морфологик, иммуногистохимик ва статистик текширув усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

экспериментда ва клиник амалиётда кимёвий куйишларда кўрув аъзоси зарарланиши характери ва репарация жараёнлари ўртасида боғлиқлик аниқланган;

кимёвий куйишларда кўрув аъзоси деструктив жараёнлар динамикаси ва гавҳар, оқсил парда, шох парда ва кўзнинг томирли пардаси тўқима антигенларига (ТА) антиген боғловчи лимфоцитлар (АБЛ) кўрсаткичларига боғлиқ равишда зарарланиш морфологик кўринишлари хусусиятлари очиб берилган;

кўз олд кесими структуралари ТА га АБЛ даражасининг кўрув аъзоси кимёвий куйишида зарарланиш характери, деструктив жараён даражаси ва чуқурлиги ҳамда репарациясининг ҳолати билан патогенетик боғлиқлиги исботланган;

кўрув аъзоси кимёвий куйишларида репаратив жараёнлар кечишини башорат қилиш, клиник кўринишлар динамикаси ва оқибатини баҳолаш мезонлар асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

клиник шароитда ва экспериментда кимёвий куйишларда кўзнинг зарарланиш характери ва даражасига комплекс баҳо берилган;

кимёвий куйишларда асосий зарарланишлар характери, даражаси ва локализацияси экспресс-диагностикасида кўз олд қисми структуралари ТА га АБЛ кўрсаткичларининг информативлиги аниқланган;

кўз куйишлари билан беморларни олиб бориш тактикасини оптималлаштириш ва асоратлар ривожланишини прогнозлаш ҳисобига ТА га АБЛ бўйича кўз айрим структураларининг зарарланиш характери экспресс диагностика усули қўлланилишининг клиник-диагностик ва иқтисодий самарадорлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги иммуногистохимик, морфологик, экспериментал ва клиник

текширув усулларининг объектив маълумотлари билан асосланган. Олинган натижаларга статистик ишлов бериш уларнинг ишончилигини тасдиқлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўрув аъзосининг куйиши бўлган беморларни деструкцияси даражасини кўз томирли парда ва шох пардаси ТА га АБЛ кўрсаткичлари орасидаги исботланган корреляцион боғлиқлик кўрув аъзоси кимёвий зарарланиши кечиши оғирлиги объектив мезонларини ишлаб чиқиш, шунингдек, даволаш-профилактик тадбирлар спектрини оптималлаштириш имконини бериши ҳамда, даволаш ва профилактик илмий асбоблар такомиллаштириши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти кўзнинг кимёвий куйишларида репарация жараёнлари характерини, клиник кўринишлар динамикаси ва оқибатини прогнозлашнинг ишлаб чиқилган мезонлари касаллик оғирлик даражасини дифференциал диагностикасини оптималлаштириш, даволашнинг адекват вариантларини танлаш, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш, шунингдек тадқиқот натижаларини таълим ва илмий фаолиятда қўллаш имконини бериши ҳамда офтальмология амалиёти учун кўзнинг кимёвий куйишларида зарарланиш даражаси ва чуқурлигини прогнозлаш учун дастурини ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўз кимёвий куйишлари билан беморларни даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Кўзнинг кимёвий куйишлари асоратларини прогнозлаш, даволаш, диагностика ва профилактикасида янгича ёндашувлар» услубий қўлланмаси тасдиқланган ва соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 14 сентябрдаги 8н-д/53-сон маълумотномаси). Таклиф этилган принципларга риоя қилган ҳолда кўз куйиш касаллиги бўлган беморларни комплекс даволаш қоникарсиз натижалар кўрсаткичини жойларда 23,5% га камайтириш имконини берган;

«Кўзнинг кимёвий куйишларида зарарланишнинг даражаси ва чуқурлигини прогнозлаш» ишлаб чиқилган бўлиб, унга репаратив жараёнлар характери, клиник кўринишлар динамикаси ва кўрув аъзоси жароҳатининг оқибатини прогнозлаш мезонлари киритилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 14 сентябрдаги 8н-д/53-сон маълумотномаси). Даволаш-профилактика тадбирларининг таклиф этилган комплекси асоратлар сонини 30% дан 15,8% гача қисқартириш, ушбу беморлар гуруҳини даволаш ва реабилитациясига харажатларни камайтириш имконини берган;

кўз куйишлари билан беморларни олиб бориш тактикасини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Республика офтальмологик клиник шифохонаси даволаш-маслаҳат фаолиятига, Навоий ва Жиззах вилоятлари офтальмологик касалхоналарига, санитар гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти клиникасига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 14 сентябрдаги 8н-д/53-сон маълумотномаси). Кўз куйиш касаллиги

билан беморларга таклиф этилган комплекс ёндашувнинг қўлланилиши даволашнинг яқин ва узок муддатлардаги натижаларини 13,8% га яхшилаш ва ҳаёт сифати даражаси ижобий кўрсаткичини 60,9% дан 77,9% гача кўтариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан 7 та мақола, улардан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 103 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кўз куйиши жароҳатларининг замонавий жиҳатлари -мавжуд ҳолат ва истиқболлар»** деб номланган биринчи бобида муаммонинг замонавий ҳолатининг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган ва илмий изланиш натижалари тизимлаштирилган, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзу ўрганилишининг зарурати асослаб берилган.

Диссертациянинг **«Материалнинг клиник-инструментал ва тажрибавий тавсифи ва тадқиқот методлари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, тажрибаларни белгилаш ва ўтказиш дизайни, тадқиқотда қўлланилган методлар ҳақида умумий маълумот берилган. ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика кўз касалликлари шифохонасига кўз куйиши билан мурожаат қилгандан сўнг 2-, 5-, 7-, 12- ва 30-суткаларида динамик текширувдан ўтказилиб, стационар даволанишда бўлган 103 та бемор тадқиқот объекти сифатида ўрганилган. Куйиш жароҳати турига қараб беморлар куйидаги гуруҳларга бўлинди: хўжаликда жароҳатланиш – 68 та бемор шахслар (66,0%), ишлаб чиқариш пайтида кўзи куйганлар эса – 34 та (34,0%). Текширилган шахслар орасида эркаклар сони 96 та (93,2%), аёллар эса 7 та (6,8%)ни ташкил этди. Мурожаат қилган беморлар 15 дан 66 ёшгача бўлиб, ўртача ёш $42,6 \pm 5,8$ ни ташкил

қилди. Беморлар текшириш ва даволаниш учун куйиш жароҳатининг турли муддатларида, айримлари дастлабки 1-3 кунларидаёқ, кўз куйиши касали оғирлашуви шаклланган 11 та бемор (10,7%) эса 6 ойга яқин ва ундан кўпроқ муддатларда муружаат қилишган.

Кўз куйишининг этиологик омилига кўра аксарият беморлар, яъни 85 та ҳолатда (82,5%) кимёвий бирикмалар, 18 та ҳолатда (17,5%) эса қиздириш ва бошқа куйиш жароҳатлари сабабли кўз куйиши касаллигига учраган.

Барча беморларга тадқиқотнинг умумклиник, офтальмологик ва махсус иммунцитокимёвий методлари қўлланилди, тадқиқот натижалари статистик таҳлилга тортилди. Тадқиқот тажрибалари 100 та оқ каламушда ўтказилди.

Диссертациянинг «**Кўз куйиши жароҳатларининг патогенетик асосларини ўрганишнинг тажрибавий тадқиқотлари**» номли учинчи боби икки бўлим: морфофункционал ва иммунцитокимёвий тадқиқотларни ўз ичига олган тажриба тадқиқотлари натижаларидан иборат. Тажриба дизайни ва қўлланилган методлар диссертациянинг иккинчи бобида келтириб ўтилган ва тўлиқ ёритиб берилган. 100 та зотсиз оқ эркак каламушларда ўтказилган тадқиқот натижалари тажриба тадқиқоти объекти сифатида хизмат қилди. 80 та жонзотда кўзни ишқорли куйдиришнинг стандарт методикаси бўйича кимёвий куйдириш андазаси тузилди (асосий тадқиқот гуруҳи). Худди шу экспозицияда 0,9% ли NaCl эритма куйилгандан кейинги муқобил умумвивар шароитда назорат гуруҳидаги 20 та жонзот кўз олд кесими тўқималари тадқиқ қилинди. Тажриба 4 босқичда олиб борилди – тадқиқотнинг назорат босқичига куйишнинг 3-,5-,12- ва 30-суткалари олинди.

Тажрибавий-морфологик тадқиқотлар динамикасида назорат гуруҳидаги каламушлар кўриш органи тадқиқ қилинганда меъёрдан фарқ қилувчи муҳим гистологик ўзига хослик аниқланмади.

Каламуш кўзини тажрибада ишқор орқали куйдириш тадқиқ этилганда, 3-кунга келиб қуйидаги морфологик ўзгаришлар кузатилди: шох парданинг сезиларли даражада шишиши, кўз куйиши марказий ҳудудида коллаген структуралар толалашиши.

Жонзотлар кўзини ишқорли куйдиришнинг бешинчи суткасига келиб, шох парда юзаси куйишининг инфильтрацияси ва яраланиши кучаяди, шикаст шох парданинг барча жойини қоплаб олиши натижасида шиш пайдо бўлиши ўсади. Шишнинг марказий қисмида олд эпителий мавжуд эмас, периферия томон бориб эса бир қатламидан икки ёки кўп қаторли эпителийга ўтиш кузатилади. Шох парда структурасида деструкция ҳудудлари қайд этилиб, қатламларга ажралишга мойиллик кузатилган.

Таъкидлаш лозимки, ишқорли кимёвий куйдириш тажрибасининг 5-суткасига келиб кўз ўзгаришларининг морфологик ўзига хослиги юқори гиперемия ва капиллярларнинг қонга тўлиш билан белгиланади, бу шиш даражасини кўрсатади.

12-суткага келиб, оқ парда бириктирувчи тўқималаридаги патологик ўзгаришлар ривожланиб, оқ парданинг толалашиши, коллаген толаларининг парчаланиши, тўқималарнинг колликвацион деструкцияси кузатилади.

Ўрганилган хужайралар митотик фаоллиги даражасига кўра репарация жараёни динамикасини кузатиш муддатлари узайтирилгани сари бу кўрсаткичлар ўсганини кузатиш мумкин, бу эса ўрганилаётган субстратларда кузатувнинг 30-суткасига келиб ҳам тўқималарнинг компенсаторли имкониятлари ва деструкциянинг сақланганлиги ва ўсиб бориш жараёнидан гувоҳлик бериши мумкин, митотик жараённинг фаоллиги ҳам шуни исботлагандай бўлади.

Сўнг биз ўрганилаётган тўқималарда репарацион жараён характерини таҳлил қилиб, митотик индексни аниқладик (1-жадвал).

1-жадвал.

Куйиш жараёни динамикасидаги каламушлар кўзини ишқорли куйдириш тажрибаларидаги митотик индекс кўрсаткичлари (%да)

| Тадқиқот объекти | Интакт каламушлар | Куйишнинг 3 суткаси | Куйишнинг 5 суткаси | Куйишнинг 12 суткаси | Куйишнинг 30 суткаси |
|-----------------------|-------------------|---------------------|---------------------|----------------------|----------------------|
| Шох парда | 0,2±0,02 | 0,31±0,01• | 0,88±0,05•* | 2,43±0,12•*■ | 4,01±0,04•*■° |
| Кўзнинг оқсил пардаси | 0,18±0,05 | 0,47±0,03• | 2,22±0,08•* | 3,12±0,03•*■ | 3,17±0,07•*■ |
| Гавҳар | 0,15±0,03 | 0,67±0,1• | 1,12±0,05•* | 3,46±0,06•*■ | 5,34±0,02•*■° |
| Қон томирли парда | 0,18±0,11 | 0,34±0,02 | 1,02±0,12•* | 2,78±0,07•*■ | 4,44±0,03•*■° |

Изоҳ: • интакт каламушларга нисбатан кўрсаткич фарқларининг ишончлилиги

* кўрсаткич фарқларининг ишончлилиги куйишнинг 3-суткасига кўра

■ кўрсаткич фарқларининг ишончлилиги куйишнинг 5-суткасига кўра

° кўрсаткич фарқларининг ишончлилиги куйишнинг 12-суткасига кўра

Кўз куйиши жароҳатида шикастланиш якуни ва даволаш самараси репаратив жараён хусусиятлари билан сезиларли фарқ қилади, бунда яллиғланиш жараёнининг тезлик ва фаоллигини аниқлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Тадқиқотнинг ушбу босқичининг мақсади кўзнинг олдинги кесими (шоҳ парда, оқсил парда, гавҳар, қон томирли пардаси) тўқималаридаги кўрсатилган тўқималарнинг ТАга АБЛ кўрсаткичларига нисбатан ва тажрибада кўзни ишқорли куйдиришдаги морфологик бузилишлар хусусиятлари билан АБЛ динамикасининг мувофиқлиги деструктив жараёнлар хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Антиген тўқималарига АБЛ кўрсаткичлари тадқиқи учун қон тўсиғи гавҳар, шоҳ парда, оқсил парда ва қон томирли пардаси кимёвий куйиши тажрибавий ишқорли кўз куйишининг 3-, 5-, 12- ва 30-суткаларида амалга оширилди (2-жадвал).

Кўзни кимёвий куйдириш тажриба динамикасида каламушлар кўзининг олд кесими тўқималари ТАга АБЛ кўрсаткичлари (%) (n=100).

| Тўқима номи ва сўйилган кун | ТАга АБЛ интакт каламушларда n=20 | ТАга АБЛ кўзи куйган каламушлар n=80 | P |
|-----------------------------|-----------------------------------|--------------------------------------|--------|
| Шох парда 3-кун | 0,7±0,02 | 5,5±0,24 | <0,001 |
| 5-кун | 0,7±0,008 | 3,7±0,12 | <0,001 |
| 12-кун | 1,2±0,03 | 4,8±0,25 | <0,001 |
| 30-кун | 1,1±0,03 | 6,5±0,13 | <0,001 |
| Оқсил парда 3-кун | 0,7±0,01 | 6,2±0,17 | <0,001 |
| 5-кун | 0,9±0,03 | 7,0±0,24 | <0,001 |
| 12-кун | 0,8±0,02 | 6,35±0,23 | <0,001 |
| 30-кун | 1,0±0,02 | 5,5±0,23 | <0,001 |
| Гавҳар 3 кун | 0,9±0,01 | 6,15±0,11 | <0,001 |
| 5-кун | 1,1±0,004 | 4,65±0,14 | <0,001 |
| 12-кун | 0,8±0,01 | 4,5±0,19 | <0,001 |
| 30-кун | 1,4±0,01 | 5,65±0,23 | <0,001 |
| Қон томирли парда 3-кун | 1,1±0,015 | 4,5±0,24 | <0,001 |
| 5-кун | 0,8±0,01 | 3,5±0,17 | <0,001 |
| 12-кун | 0,9±0,02 | 4,7±0,25 | <0,001 |
| 30-кун | 1,6±0,007 | 7,35±0,22 | <0,001 |

Изоҳ: P – интакт жонзотларда муқобил кўрсаткичлар билан мос келувчи кўрсаткичлар ишончлилига кўра.

Натижалар таҳлил қилинганда барча субстратларда (шох парда, оқсил парда, гавҳар, қон томирли пардаси) ТАга АБЛ кўрсаткичлари кўз куйишдан кейинги 3-суткада 5-кундаги куйиш кўрсаткичларига нисбатан миқдорини оширди ($P<0,05-0,01$). Эҳтимол, деструкция даражасининг бундай кучайиши нафақат шикастловчи омил – ишқорнинг бузувчи таъсири билан, балки тўқималарнинг стрессга мослашиш механизмлари таъсири, нишон-органларнинг кучли таъсирга бўлган апоптотик реакциялари кучайиши билан ҳам изоҳланади.

Куйишнинг 5-кунида дастлаб куйишдан стрессга тушишнинг барча омиллари ва куйиш жараёнлари билан боғлиқ деструктив жараён симпатоадреналли таъсирдан озод қилинади ва фақатгина куйиш жараёни билан чегараланади. Бу тажрибанинг 3-кунидаги муқобил кўрсаткичларга нисбатан 5-кундаги шох парда, гавҳар ва кўзнинг қон томир пардасида ТАга АБЛ миқдори пасайганини акс эттиради ($P<0,05-0,01$).

Кейинги кунларда 2-жадвалда кўрсатилганидек, шох парда, оқсил парда, гавҳар, қон томирли пардаси ТАга АБЛ кўрсаткичлари ўсиши ишқорли таъсирни келтириб чиқарувчи деструктив жараённинг таранглашувини кўрсатади. Шунинг ҳам айтиш керакки, кузатувнинг 30-

кунда деструкция даражаси пасайибгина қолмай, оксил пардада ТАга АБЛ деструкция даражаси тадқиқотнинг 3-, 5-, 12-кунларидаги кўрсаткичларга нисбатан пасайганидан ташқари тадқиқ қилинаётган деярли барча тўқималарда ўсиб борди. Бизнинг фикримизча, кимёвий куйишда кўз олдинги кесими тўқималарида деструктив жараёнлар динамикасининг ўзига хос хусусиятларидан кўзи кимёвий куйган мижозларда бошқарув усуллари ишлаб чиқиш учун предиктор маркер сифатида фойдаланиш мумкин, кўзнинг кўрсатилган тўқималаридаги ТАга АБЛ миқдорлари эса мижозларда бошқарув усулини оптимизациялаш ва уларни даволашда персонализациялаш учун экспресс тест сифатида тавсия қилинади.

Шох парда, оксил парда, гавҳар, қон томирли пардаси деструкция даражалари билан ушбу тўқималардаги ТАга АБЛ кўрсаткичлари ва ўзаро алоқадорлигини аниқлаш мақсадида тажрибавий жонзотларда тадқиқ қилинаётган структурада куйиш жараёнларида морфологик юзага келишида кўзнинг тадқиқ қилинаётган тўқималари динамикасидаги морфологик тасвир ўзгаришлари тўқималарнинг деструкция кўрсаткичлари билан тадқиқ қилинаётган ТАга АБЛ миқдори бир хиллиги кўрсатилди.

Митотик индекс (MI) ва нинг шох парда, оксил парда, гавҳар, қон томирли пардаси тўқималари ТА сининг АБЛга нисбати ўртасида куйиш жараёни динамикасидаги Пирсон жуфт корреляцияларини аниқлаш орқали ўтказилган корреляцион таҳлил натижасида MI ва қон томирлари пардаси ТАСига АБЛга нисбати кўрсаткичлари ўртасида ($r=0,83$; $P<0,01$) тўғридан тўғри алоқа, MI ва шох парда ТАСи нинг АБЛга нисбати кўрсаткичлари ўртасида сезиларли тўғри алоқа борлиги аниқланди ($r=0,61$; $P<0,05$). Оксил парда ва гавҳар билан муқобил кўрсаткичлар ўртасида бундай корреляция аниқланмади ($r=0,21$; $P>0,05$ и $r=-0,08$; $P>0,05$ мувофиқ). Кўзнинг шох парда ва қон томирли пардадаги ҳужайралар самарали қайта тикланадиганга ўхшайди (митотик индекснинг ошишига қараганда).

Диссертациянинг **“Замонавий босқичда кўз куйишининг клиник-ташхислаш ўзига хос хосликлари”** номли тўртинчи бобидан 103 та кўзи куйган беморлар текширилди, 65 та беморда (63,1%) бир кўзнинг куйиши, иккала кўзнинг ҳар хил оғирлик даражасида куйиши билан 38 та киши (36,9%), яъни барча шикастланган кўзлар 141 тани ташкил этади (1-расм). Бундан буёғига иккита: кўзлар ёки бемор терминларидан фойдаланмиз.

Кўз куйиши жароҳати 68 та (66,0%) мижозда ҳўжалик ҳодисаларида, 35 та (34,0%) ҳодиса эса ишлаб чиқаришда жароҳатланган. Кўз куйишининг аксарият ҳолларда ҳўжаликда рўй бериши уй шароитида турли кимёвий моддалардан фойдаланишда кўз шикастланиши мумкинлиги тўғрисида одамларнинг беҳабарлиги ва организмга кимёвий ва термик омиллар таъсири қилиши мумкин бўлган доим тарғиб қилинадиган хавфсизлик техникаси кўникмалари йўқлиги билан изоҳланади.

Текширилганлар орасида эркаклар сони 96 та (93,2%), аёллар эса 7 та (6,8%) ни ташкил этди, бу кўрсаткичдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, эркаклар гуруҳида кўз куйиши хавфи юқорироқ ($P<0,01$). Ёшга қараб таҳлил қилинганда, 21 ёшдан - 30 ёшгача (35,9%) бўлганлар кўпроқ гуруҳни ташкил

этишди, 20 ёшгача бўлган миждозларда кўз куйиши 22,3% ни ташкил этди, 31-40 ёшлилар – 18,5%, 41 дан 50 ёшгача бўлганлар 13 та (12,6%) миждоздан иборат. 50 ёшдан катталар 10,7% ни (11та бемор) ташкил этди. Шундай экан, кўз куйиши кўп ҳолларда эркакларда меҳнатга лаёқатли ёшда (67,0%) рўй беради.

Кўзи куйиши биланоқ 24 соат ичида кундузги даволанишга 38 та (36,9%) миждоз, 1-5 кундан сўнг 41 киши (39,8%), 6-10 суткаларида 7 киши (6,8%), 11 кундан 1 ойгача бўлган муддатларда кўз куйиши билан 2 киши мурожаат қилган ва касалхонага ётқизиб даволанган. Яъни 85,4 % миждозлар ўз вақтида ётқизилган ва даволаш натижалари кўринган. Куйишдан кейинги кеч муддатларда (1 ойдан кўпроқ) ётқизишгача яшаш жойидаги даволаш муассасаларида амбулатор ва стационар даволаниб юрган 15 та бемор кўзнинг куйиш касаллиги билан (14,6%) ётқизилган.

Клиник тадқиқот тўлиқ сўровнома ва пухталиқ билан йиғилган анамник маълумотларни ўз ичига олади.

Кўз куйишини юзага келтирувчи тадқиқот омиллари кўрсаткичларига кўра, кўп ҳолларда тиндирилган оҳак тушиши (30,1%), кислота билан куйиш – 25 та бемор (24,3%), суперелим билан куйиш (10,7%) ва бошқа омиллар (34,9%), шу билан бирга буғда ва қайнаган суюқликда, эритмаларда, кўз учун мўлжалланган сифатсиз пардоз воситалари сабабли кўз куйиши кузатилади.

Стационар даволанишга келган барча беморларнинг, гарчи шикастланишлар сабаби ва шикастланиш даражаси ҳамда организм реактивлиги ҳар хил бўлса-да, шикоятти ўхшаш бўлган. Қизариш ва кўздан ажралиш 103 та беморда (100,0%) учради, 98 та бемор (95,15%) кўриш ўткирлиги пасайганидан шикоят қилишган, 91 та беморда (88,3%) ёруғликдан кўрқиш кузатилган, 89 тасида (86,4%)да кўз ёши оқиши, 71 та бемор (68,9%) кўзда қум борлигини ҳис қилишдан шикоят қилишган, 50 таси эса (48,5%) кўзида оғриқ борлигини айтишган.



Тадқиқотларга конъюнктиванинг кимёвий куйиши 71 та кўзда (61,7%) кузатилган (3-жадвал). Кўп ҳолларда 33,0 %да II даражали, 16,5%да - III даражали ва 12,2% да - I даражали куйиш кузатилган. 7 та кўздаги конъюнктивани куйиши кўз туби териси билан куйиши I даражали, 8 та кўзда эса - II даражали. III даражали куйишда стационар даволанишнинг 3-5 кунларида бириктирилган тўқималарда колликвацион некроз пайдо бўлиши кузатилган.

Кўз косасининг I даражали куйиши битта кўзда кузатилди, II даражали куйиш 4 та кўзда, III даражали куйиш ҳам битта кўзда кузатилди. Шу билан бирга, бир миждозда оксил парданинг ҳам I даражали куйиши оқибатида оксил парданинг чуқур қатламлари ва цилиар таначалари шикастланиб оқиши кузатилди.

141 та куйган кўзнинг 93 тасида шох парда куйиши аниқланган. 42 ҳодисада (29,8%) у I даражали бўлган, 32 ҳодисада (22,7%) - II даражали ва 8 ҳодисада (5,7%) - III даражали бўлган. Бунда шох парда ўша заҳоти хиралашган ва шаффоф шаклга кирган. Шох пардалар куйишида асоратлар узоқ сақланиб қолган, ҳатто миждозларда даволанишдан кейин ҳам

кузатилган. Шох пардаларнинг кимёвий куйиши 82 ҳодисада (71,3%) аниқланган, 18 та ҳодисада (15,6%) – 1 даражали, 45 ҳодисада (39,1%) – 2 даражали, 23 ҳодисада (20,0%) шох парданинг 3-даражали куйиши қайд қилинган.

Кўз куйишида конъюнктиванинг кимёсиз куйишининг II даражаси 3та беморда, III даража – битта беморда кузатилган. Битта беморда кўзнинг тепа қовоғининг II даражали куйиши аниқланди. Яна бир ҳодисада кўз косасининг II даражали куйиши кузатилди. 5 та кўзда шох парданинг II даражали термик куйиши, иккитасида эса – III даражали куйиш аниқланди.



1-расм. Кўз куйишининг локализацияси, тури ва оғирлик даражаси бўйича тақсимланиши (зарарланган кўзлар сонига қараб)

Асосий эътиборни аралаш – термокимёвий куйиш ҳодисаларига қаратиш лозим, бу 15 та беморда (14,6%) кузатилиб, оғир асоратларга олиб келган ва кўз тузилишига чуқур шикаст етказган. Бу жараёнда кўзда асептик реактив увеитнинг юзага келиши, ойнаванд таначада экссудат пайдо бўлиши ва кўриш функцияларининг пасайиши кузатилади.


Термокимёвий куйишлар автомобил аккумулятори таъмирида ёки унинг ёнишидаги авариявий ҳолатлар натижасида келиб чиқади. Шикастлаш хусусиятига кўра куйишнинг бу тури кимёвий таркибга эгаллиги боис кўпроқ зарар еткази, ва шу сабабли биз уларни кимёвий куйдириш гуруҳига киритдик.

Тадқиқотларимиз 86 та беморда (83,5%) касалланиш даврида ўткир шикастланиш борлигини кўрсатди, 17 та ҳолатда (16,5%) эса жараён чўзилиб кетиши кузатилган. Бу беморларда фаол яллиғланиш жараёни сақланиб қолгани учун ҳам бизнинг касалхонага мурожаат қилган.

Беморларнинг умумий контингентидан куйиш асоратлари шаклланиб бўлган 17 та бемор (21 та кўз) даволанишга кўзнинг куйиш касали ташхиси билан ётқизилган. Уларнинг 3 тасида кўз билан бирга юзнинг ҳам I даражали куйиши, яна 3 тасида II даражали куйиш аниқланди.

